**УДК 94 (575.1) /1925-1929**

# ЎЗБЕКИСТОНДА 1925-1929 ЙИЛЛАРДА ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИНГ САЙЛОВ ҲУҚУҚИДАН МАҲРУМ ҚИЛИНИШИ

**Д.Р. Аҳмедов**

*Мақолада Ўзбекистонда 1925–1929 йилларда қишлоқ аҳолисининг сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиниши тадқиқ этилган.Ўзбекистон ССРда турли мезонлар бўйича сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар сони, унинг динамикаси, “маҳрумлар”нинг ижтимоий таркиби бўйича маълумотлар жамланган. Совет сайлов қонунчилиги асосан аҳолининг тадбиркор қатламига ва руҳонийларга қарши қаратилганлиги, совет давлати бу қатламларга нисбатан камситиш сиёсатини олиб борганлиги фактик далиллар билан асосланган.*

**Калит сўзлар:** *сайлов, сайлов йўриқномаси, сайлов комиссиялари, ер-сув ислоҳоти, тадбиркорлар, “қулоқлар”, ёлланма меҳнат, ижара муносабатлари, руҳонийлар, сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш, “маҳрумлар”.*

*В статье рассматривается лишение избирательных прав в сельской местности Узбекистана в 1925–1929 гг. Перечислены критерии лишения избирательных прав, обобщена численность лиц, лишенных избирательных прав в Узбекской ССР по различным признакам, ее динамика и социальный состав «лишенных». Доказано, что советское избирательное законодательство было направлено против предпринимательского слоя и духовенства, государство проводило в отношении этих слоев дискриминационную политику.*

***Ключевые слова:*** *выборы, избирательные инструкции, избирательные комиссии, земельно-водная реформа, предприниматели, “кулаки”, наемный труд, арендные отношения, духовенство, лишение избирательных прав, “лишенцы”.*

Кейинги йилларда совет давлатидаги сиёсий қатағонлар мавзусига Ўзбекистон тарихшунослигида муҳим аҳамият қаратилмоқда. Бунда тарихчи-тадқиқотчилар аввало “Катта террор” ва 1930–1950 йиллардаги сиёсий жараёнларга, совет жазо тизимида ГУЛАГ тизимининг яратилиши ва фаолиятига кўпроқ мурожаат қилмоқдалар. Айтиб ўтиш лозимки, мазкур йилларда совет давлати аҳолининг айрим тоифаларини ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан камситишнинг анча кенг комплекс чора-тадбирларидан ҳам кўп фойдаланди. Ушбу чора-тадбирлар қаторига фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларидан маҳрум қилиниши ҳам киради [1. Б. 483].

Советлар ҳокимият органи сифатида бошланғич давриданоқ бутун жамият манфаатларини эмас, балки қуйи ижтимоий қатламлар манфаатларини ҳимоя қилувчи синфий хусусиятга эга бўлди. 1918 йилги РСФСР Конституциясида “эксплуататорларга ҳокимият органларининг ҳеч бирида жой беролмайди. Ҳокимият тўлиқ ва фақат меҳнаткашлар оммасига ва уларнинг ваколатли тузилмаларига тегишли бўлиши керак”, деб тасдиқлаб қўйилган эди. Бу билан “меҳнаткаш омма” деб кўрсатилган қатламлар ўртасидаги тенгсизлик ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди: битта шаҳар ишчисининг овози бешта деҳқоннинг овозига тенглаштирилди. Сайлов жараёнларига “ишлаб чиқариш ва ижтимоий фойдали меҳнати ҳаёт кечириш учун маблағлар топаётган” бошқа ижтимоий тоифаларга мансуб фуқаролар, шунингдек, уй

бекалари ҳам киритилди. Айни пайтда меҳнаткашлар тоифасига хорижий фуқаролар ҳам киритилдики, бу уларнинг ҳам сайлов ҳуқуқларига эга бўлганлигини билдирарди. Шу билан бирга, даромад олиш мақсадида ёлланма меҳнатдан фойдаланган, меҳнат қилмай топилган даромад (капитал фоизлари, корхоналардан олинган даромадлар ва бошқалар) эвазига кун кечирган шахслар, савдогарлар, монах ва руҳонийлар, собиқ чор полициячилари, жандармлар, подшо оиласи аъзолари, васийлик остида бўлган руҳий касаллар ва турли жиноятлар учун судланганлар сайловларда сайланиш ва овоз бериш ҳуқуқига эга эмас эдилар [2. Б. 561–562]. Бу қоидалар 1924 йилда СССР Конституциясида деярли ўзгаришларсиз такрорланди.

Сайловларни ўтказиш тартиби ва сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилган шахсларнинг таркиби махсус қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинди, бу бўйича талаб ва чекловлар мамлакат раҳбариятининг сиёсатидаги бурилишларга қараб ўзгариб турарди. Мамлакатдаги умумий вазият барқарорлашуви шароитида 1925 йил 13 октябрда Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Комитетининг шаҳар ва қишлоқ советларига сайловлар ва советлар съездларини чақириш тўғрисидаги Йўриқномаси қабул қилинди. Йўриқномада қишлоқ хўжалигида ёлланма меҳнатдан фойдаланган шахслар, агар бу унинг меҳнатсиз даромад топиш фаолиятини кенгайишига олиб келмаган бўлса, сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилмаслиги таъкидланди. Меҳнаткаш хўжаликнинг асосий хусусияти – ёлланма меҳнатнинг фақат ёрдамчи характерда экани ва ёлланма меҳнатдан фойдаланаётган шахс меҳнатга лаёқатли оила аъзоларининг ҳам ишлаб чиқаришда иштирок этиши эди. Ҳунарманд ва косиблар, тегирмон эгалари ёки ижарачилари, мураккаб қишлоқ хўжалик техникаларининг эгалари ва ижарачилари агар улар меҳнат фаолиятида шахсан иштирок этаётган бўлса, сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилмаслиги белгиланди.

СССР Марказий Ижроия Комитети Президиумининг 1926 йил 28 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган “Советларга сайловлар тўғрисида йўриқнома”да [3. Б.128–136] сайлов ҳуқуқидан маҳрум этиладиганлар доираси анча кенгайди. Ушбу йўриқноманинг II қисми “Сайловчилар ва сайлов ҳуқуқидан маҳрумлар доирасини аниқлаш” деб номланиб, унда қуйидаги шахслар сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилиши кўрсатилди:

а) даромад олиш мақсадида ёлланма меҳнатдан фойдаланган ёки фойдаланаётган кишилар;

б) меҳнатсиз даромад ҳисобига яшаётганлар шахслар, шунингдек, савдо билан шуғулланган ёки ҳозирда шуғулланаётган шахслар;

в) сайлов пайтидаги синфий мавқеи ёки аввалги фаолиятига кўра иттифоқдош республикалар конституцияларининг тегишли моддаларига мувофиқ сайлов ҳуқуқидан маҳрум бўлганлар тоифасига кирувчи шахслар [3. Б. 130].

Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Комитетнинг 1926 йил 4 ноябрдаги декрети билан тасдиқланган “Шаҳар ва қишлоқ Советларига сайловлар ва Совет съездларини чақириш бўйича йўриқнома”да сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилиши лозим бўлган қатлам ва алоҳида шахслар янада аниқроқ кўрсатиб ўтилди. Жумладан, қишлоқ хўжалиги техникаси, ишчи ҳайвонларини асоратли шартлар билан мунтазам равишда ижарага берувчилар, оқгвардиячи офицерлар ва чор ҳарбий амалдорлари, катта ер эгалари ва саноат корхоналари (тегирмон, ёғ чиқарадиган корхона ва бошқа) эгалари, шунингдек, ёлланма меҳнатдан нафақат доимий, балки вақтинча фойдаланаётган, “ўз хўжалигини меҳнаткашлик чегарасидан кенгайтирган” ҳунармандлар ва косиблар ҳам сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилиши кўрсатилди [4. Б. 889]. Миллий республикалар маҳаллий сайлов комиссиялари мазкур ҳуқуқий меъёрларни ўз шароитларига кўра талқин қилдилар ёки ўзига хос тарзда ўзгартирдилар. Кўпинча сайлов ҳуқуқидан маҳрум бўлганлар рўйхатига ўзларига “синфий душман” бўлиб туюлган барчани киритдилар.

Ўзбекистон ССР Советлари Марказий Ижроия Комитетининг 1925 йил 16 декабрдаги қарори билан тасдиқланган “Советларга сайловлар тўғрисида йўриқнома” [5. Б. 429–432] юқоридаги Иттифоқ миқёсида қабул қилинган йўриқномалар билан деярли бир хил бўлиб, бунда сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинадиганлар рўйхати республиканинг маҳаллий шароити ва хусусиятига мослаштирилган. Чунончи, мазкур йўриқноманинг “Сайлов ҳуқуқидан маҳрум шахслар тўғрисида” деб номланган 2-бўлимида қуйидаги шахслар сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилиши кўрсатилган:

а) даромад олиш мақсадида ёлланма меҳнатдан фойдаланган шахслар;

б) меҳнатсиз даромад – капиталдан келаётган фоизлар, корхоналардан тушаётган даромад, мол-мулк ижарасидан келган даромад ҳисобига яшаётган шахслар, хусусий савдогарлар ва тижорат воситачилари;

в) Россия, Бухоро ва Хивада ҳукмронлик қилган шахслар ва оила аъзолари, шунингдек, подшо, амирлик, хонлик режими даврида полиция, жандармерия ва бошқа жазо органлари бошқарувига бевосита ва билвосита алоқадор шахслар; Колчак, Деникин, Гетман, грузин меньшевиклари ва бошқа аксилинқилобий режимларнинг министрлари, министр ўринбосарлари, департамент директорлари, генерал-губернаторлари, ҳарбий ва фуқаролик губернаторлари, асосий раҳбарлари, вице-губернаторлар; Бухоро амирлиги ва Хива хонлигининг санаб ўтилган лавозимларга мувофиқ келадиган амалдорлари – қушбеги-калон, қушбеги-поён, қозикалон, удайчи, девонбеги, мирзабоши, закотчи, раислар ва уларнинг қўл остидаги масъул лавозим эгалари; губернаторлик ва уезд дворян вакиллари, махсус топшириқли амалдорлари, жиноят департаментининг катта раислари, раислари ва аъзолари, суд палаталари прокурорлари ва прокурор ўринбосарлари, барча номдаги ҳарбий судларнинг раислари, аъзолари, прокурорлари, прокурор ёрдамчилари, губерния, област бошқаруви аъзолари, земство, уезд ва қишлоқ бошлиқлари, полиция департаменти амалдорлари ва полиция ходимлари, ички ишлар министрлигининг амалдорлари ва адлия министрлигининг қамоқхоналар бош бошқармаси амалдорлари; Бухоро амирлиги ва Хива хонлигининг санаб ўтилган лавозимларга мувофиқ келадиган амалдорлари: оғалиқлар, миршаблар, беклар, аминлар, раислар, бекчилар, зиндонбоши, амлокдор, амондор, ясовулбоши, муфти, алоҳида топшириқли ясовуллар, қоровулбошилар, жевачилар;

г) монахлар, барча динларнинг машғулоти касб бўлган руҳонийлари ва диний хизматчилари;

д) белгиланган тартибда руҳий хаста деб тан олинган ва тегишли қарамоқда бўлган шахслар;

е) суд қарори билан тегишли муддатга озодликдан маҳрум этилган шахслар, судлов ёки маъмурий тартибда турли муддатларга сургун қилинган шахслар [5. Б. 431–432].

1920 йиллар ўрталарида Ўзбекистон ССР миллий даромадининг асосий манбасини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ташкил қилган. Республиканинг 4 миллион 417 минг аҳолисидан 3 миллион 421 минг нафари қишлоқ жойларда истиқомат қилган ва уларнинг тирикчилик манбаини айнан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ташкил этган. Агар Биринчи жаҳон урушига қадар (1914 йил) Туркистон ўлкаси шаҳар ва қишлоқларида 365 миллион 602 минг сўмлик ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, бундан фақат 44 миллион 279 минг сўмлиги шаҳарлар ҳиссасига тўғри келган, қолган 321 миллион 322 минг сўми қишлоқ хўжалик маҳсулотлари эди [6. Б. 58]. Бу ҳолат 1924–1926 йилларда ҳам деярли ўзгармаган эди. Масалан, 1924–1925 хўжалик йилида қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 175 миллион 322 минг сўмни ташкил қилган бўлса, шаҳарларда яратилган ялпи маҳсулот 41 миллион 826 минг сўмни ташкил қилган [6. Б. 59].

1924 йилдан то 1927 йилгача Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш узлуксиз ўсиб борган. Масалан, 1924

йилда 140 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирилган бўлиб, бу 1914 йилдаги даражанинг 43,6% ини ташкил қилган бўлса, 1925 йилда 166 миллион 300 минг сўмлик (51,8%), 1926 йилда эса 248 миллион 819 минг сўмлик (77,4%) маҳсулот етиштирилган. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги бу ўсишни биринчи навбатда янги иқтисодий сиёсатнинг самараси деб баҳолаш мумкин. Лекин республикадаги бу даражага асосан суғориладиган ерларнинг кўпайтирилиши ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари харид нархига нисбатан қимматроқ бўлган пахта майдонларини кенгайтириш эвазига эришилган.

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалигининг умумий хусусияти шундан далолат берадики, қабул қилинган сайлов йўриқномаларида белгиланган мезонларга кўра, қишлоқларда истиқомат қилаётган деярли бутун деҳқон хўжаликларини сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш мумкин эди. Чунки Ўзбекистон шароитида вегетация даври узоқ ва кўп меҳнат талаб этадиган пахтачиликда долзарб паллада (чопиқ, пахта терими) ўртаҳол, ҳатто камбағал деҳқонлар ҳам ёлланма меҳнатдан фойдаланар эдилар.

Деҳқон хўжаликларининг кўпчилигида ер озлиги учун, шунингдек, республиканинг асосий экини пахта бўлгани учун бу ерда ерни ижарага олиш ва ёлланма меҳнатдан фойдаланиш кенг тарқалган эди. Кам қувватли деҳқон хўжаликларининг ўзаро ихтиёрий бирлашуви асосида ерга ишлов бериш тизими ҳам маълум даражада оммалашган эди. Бу даврдаги қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган ёлланма меҳнатнинг турлари ва шакллари жуда кўп ва хилма-хил эдики, ёлланма меҳнат қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг деярли барча соҳаларида, шунингдек, деҳқон хўжаликларининг барча қатламларида – бадавлат, ўртаҳол ва ҳатто камбағал қатламларида ҳам мавжуд эди. Бунда бадавлат ва ўртаҳол деҳқон хўжаликларида ёлланма меҳнатдан фойдаланиш турлари кўпроқ ва муддати узоқроқ бўлиб, бу хўжаликлар уруғ экиш, ер текислаш, ерга ўғит солиш, пахта ва сабзавот экинларига ишлов бериш (бегона ўтлардан тозалаш, чопиқ қилиш, суғориш), ғалла ўриш, чорва ҳайвонларига қараш каби ишларда ҳам ёлланма меҳнатдан фойдаланганлар [7. Б. 167].

Ўзбекистонда кўриб ўтилаётган йилларда сайлов ҳуқуқидан маҳрум этиш асосларидан бири бўлган ер, иш ҳайвони ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларини ижарага бериш ҳам анча кенг тарқалган эди. Камбағал деҳқонларнинг маълум бир қисми ерга ишлов беришга маблағи (уруғлик сотиб олиш, иш ҳайвони, ўғит ва ҳоказо) йўқлиги учун ерини ижарага беришга мажбур бўлар эди. Энг муҳими, деҳқон хўжаликларида иш ҳайвонлари етишмас эди. Ўз навбатида бадавлат ва ўртаҳол деҳқонлар камбағал деҳқонларга ер ҳайдаш учун от, ҳўкиз каби иш ҳайвонларини, омоч, арава ва турли қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналарини маълум муддатга ижарага берар эдилар. Масалан, 1925 йилда Андижон округида деҳқон хўжаликларининг 35 фоизида от, қарийб 40 фоизида ҳўкиз, 62 фоизида омоч бўлмаган, улар бу каби ишлаб чиқариш воситаларини “қулоқ” ва ўртаҳол деҳқонлардан ижарага олишга мажбур бўлганлар [8. Б. 56].

1926–1927 йиллар сайлов кампаниясида Ўзбекистон ССР бўйича 145790 киши сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Ҳуқуқдан маҳрум қилинганларнинг 67934 нафари шаҳарларда, 33029 нафари қишлоқларда истиқомат қилган [9. Б. 39]. Қишлоқларда истиқомат қилган сайлов ҳуқуқидан маҳрумларнинг 10,4% ини “қулоқлар”, 11,9% ини меҳнатсиз даромад топаётганлар, 13,9% ини савдогарлар, 23,8% ини руҳонийлар, 8,4% ни собиқ полициячи, амир ва хон амалдорлари, 1,6% ини руҳий хасталар, 3,1% ини судланганлар ва 27,9% ини бошқа тоифадагилар ташкил қилган [9. Б. 40].

Бу сайлов кампаниясида Марказий сайлов комиссиясига сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганлардан 158 та ариза тушган. Унга кўра, 17 кишининг ҳуқуқи тикланган, 87 та ариза рад

этилган, 54 та ариза қайта кўриб чиқилиши учун тегишли жойларга юборилган [9. Б. 42].

1926 йилги сайлов кампаниясида Марғилон уездининг Баландчинор қишлоғидан камбағал деҳқон тоифасига кирувчи Мирпўлат Соҳибов ҳам сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилганлар қаторига тушиб қолган. Сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилганлар аризасини кўриб чиқувчи махсус комиссиянинг баённомасида айтилишича, Мирпўлат Соҳибов яшаш учун иморат қурилишида дурадгор усталар меҳнатидан фойдаланганлиги учун унга “ёлланма меҳнатдан фойдаланган” деган айблов қўйилган. М.Соҳибов норозилик аризасида уй қурилиши учун албатта дурадгор усталар меҳнати талаб этилиши, бу ишни шахсан ўзи бажара олмагани учун муайян ҳақ эвазига усталар меҳнатидан фойдаланганини, қишлоқда одатда ҳамма уй қурилишида шундай йўл тутишини ёзган [10. Б. 182].

1928–1929 йиллардаги сайлов кампаниясида республика бўйича сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар 119305 киши бўлиб, улар барча сайловчилар сонига нисбатан 6,3% ни ташкил қилди. “Маҳрум”ларнинг 13555 нафари (12,0%) – тадбиркорлар, 15976 нафари (14%) – меҳнатсиз даромадга яшаётганлар, 17422 нафари (15%) – савдогарлар, 28459 нафари (23%) – руҳонийлар, 8984 нафари (8,0%) – собиқ полициячи, чор амалдорлари, амир ва хон амалдорлари, 2086 нафари (2,5%) – руҳий хасталар, 4010 нафари (3,5%) – судланганлар, 26173 нафари (22,5%) – бошқа тоифадагилар бўлган [11. Б. 197].

Мазкур сайлов кампаниясида республиканинг алоҳида округлари бўйича сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар миқдори ва уларнинг ижтимоий таркиби ҳақидаги маълумот қуйидаги жадвалда акс этган:

*1-жадвал*

**1928–1929 йиллар сайлов кампаниясида Ўзбекистон ССРда сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилганлар миқдори ва уларнинг ижтимоий таркиби тўғрисида маълумот** [11. Б. 198]**.**

| Округлар | Маҳрум қилинганларнинг умумий сони | тадбиркорлар | Меҳнатсиз даромадга яшаётганлар | савдогарлар | руҳонийлар | Собиқ полициячилар | Руҳий хасталар | Судланганлар | Бошқалар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Хоразм | 18432 | 462 | 1238 | 3721 | 6293 | 1416 | 156 | 359 | 4787 |
| Бухоро | 15492 | 2427 | 1832 | 1817 | 1677 | 721 | 293 | 1004 | 5721 |
| Зарафшон | 6992 | 830 | 1041 | 759 | 1125 | 831 | 474 | 691 | 1241 |
| Самарқанд | 7591 | 785 | 481 | 922 | 1889 | 582 | 130 | 490 | 1141 |
| Тошкент | 17012 | 2059 | 3736 | 2773 | 3291 | 1532 | 273 | 296 | 3052 |
| Фарғона | 15957 | 2027 | 1555 | 3023 | 4895 | 605 | 267 | 201 | 3384 |
| Андижон | 21928 | 4133 | 3415 | 2543 | 5620 | 786 | 266 | 489 | 4676 |
| Сурхондарё | 5949 | 325 | 1212 | 346 | 1240 | 675 | 36 | 150 | 496 |
| Қашқадарё | 9494 | 471 | 1421 | 1427 | 2333 | 1685 | 191 | 320 | 1646 |
| Конимех автоном райони | 458 | 36 | 45 | 91 | 96 | 151 | - | 10 | 29 |
| **Жами:** | **119305** | **13555** | **15976** | **17422** | **28459** | **8984** | **2086** | **4010** | **26173** |

1928–1929 йиллардаги сайлов кампаниясида сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилганларнинг умумий сони аввалги сайлов кампаниясидагига қараганда анча қисқарган. Бунинг асосий сабаби шунда эдики, 1925–1929 йилларда Ўзбекистонда амалга оширилган ер-сув

ислоҳоти жараёнида шаҳарларда ҳам, қишлоқларда ҳам сайлов йўриқномаларидаги “ер, иш ҳайвони, ишлаб чиқариш воситаларини ижарага берган шахслар”, “меҳнатсиз даромад эвазига яшаётган шахслар” каби мезонларига тушувчи кўпгина “қулоқ” хўжаликлари, шаҳарлик ер эгалари, савдогарлар хўжалиги тамоман тугатиб юборилган эди.

Сайлов кампанияларида қуйи сайлов комиссияларини “қулоқ-бой ва бошқа антисовет унсурлар”дан тозалаш тадбири натижасида район ва қишлоқ советлари сайлов комиссияларига кириб қолганлар чиқариб юборилди. Хўжанд округ сайлов комиссияси қишлоқ сайлов комиссияларидан 8 кишини ва 2 та раисни ароқхўрлиги ва бойлар билан алоқада бўлгани учун чиқариб юборган. Андижон округ комиссияси 3 та район сайлов комиссиясини тўла тарқатиб юборган ва бошқа район комиссияларидан 20 кишини, қишлоқ сайлов комиссияларидан 65 кишини чиқариб ташлаган. Улардан тенг ярми сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилган. Сурхондарё округ сайлов комиссияси район сайлов комиссияларига кириб қолган 3 та бойни, Фарғона округ сайлов комиссияси антисовет унсур сифатида район комиссияларидан 4 кишини, қишлоқ сайлов комиссияларидан эса “қулоқ” деб ҳисобланган 79 кишини чиқариб юборган. Улардан 19 таси қишлоқ сайлов комиссиялари раиси бўлган [9. Б. 43].

Сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганларнинг бир қисми уларга нисбатан қўлланган чоралар устидан шикоят аризалари билан мурожаат қилганлар. Сайлов ҳуқуқларини тиклаш билан қишлоқ советлари, район ижроқўмлари, миллий республикалар Марказий Ижроия Комитетлари ва СССР Марказий Ижроия Комитети каби турли муассасалар шуғулланган. Хусусан, Ўзбекистон ССР МИК ҳузурида сайлов ҳуқуқидан маҳрум бўлганларнинг шикоятларини кўриб чиқувчи махсус комиссия тузилган. Мазкур комиссия турли шаҳар ва қишлоқларда сайёр йиғилишилар ҳам ўтказиб, шикоят аризаларини кўриб чиққанлар.

1926–1927 йилларда Ўзбекистон ССР фуқароларидан сайлов ҳуқуқлари асоссиз маҳрум этилгани тўғрисида Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитети ҳузуридаги комиссия номига 7864 та шикоят аризаси келиб тушган [12. Б. 234]. Аризаларнинг аксариятида асосий эътибор сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилишнинг ўзига эмас, балки уларга нисбатан қўлланган камситиш билан боғлиқ чораларга қаратилган. Яъни, маҳрум этилганларнинг маълум бир қисми яшаб турган хонадонларидан чиқариб юборилгани, қолганлари эса касаба уюшмалари ва таълим муассасаларидан чиқариб юборилгани, ишдан бўшатилгани, улар зиммасига орттирилган миқдорда солиқ солингани, мол-мулкидан маҳрум этилгани устидан шикоят қилганлар.

1929 йил 10 июнгача Фарғона округининг Бешариқ, Марғилон, Қудаш, Қува, Олтиариқ, Бувайда, Риштон, Қўқон, Бағдод ва қисман Чуст-Поп районларининг 20 та қишлоқ советлари бўйича сайлов ҳуқуқидан маҳрум бўлганлардан 6762 та ариза келиб тушган. Бу аризалар район “учлик”лари томонидан кўриб чиқилиб, улардан 3029 кишининг сайлов ҳуқуқи тикланган, 3733 кишининг аризаси рад этилиб, уларнинг ҳуқуқи тикланмаган [10. Б. 7].

Умуман, кўриб ўтилган даврдаги фуқароларини сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш жиноий жазо чораси сифатида ҳам кўзда тутилган. Совет давлатининг 1926 йилдаги Жиноят кодексига биноан сиёсий ва шахсий фуқаролик ҳуқуқларини чеклаш маҳкумларга уларнинг алоҳида тоифалари учун фаол ва пассив сайлов ҳуқуқларидан маҳрум қилиш тўғридан-тўғри белгиланиши мумкин эди. Суд бир йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини белгилашда маҳкумнинг сайлов ҳуқуқларидан маҳрум этиш масаласини ҳам кўриб чиққан. Сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳам мустақил, ҳам қўшимча ижтимоий ҳимоя чораси сифатида белгиланган. Айни пайтда маҳрум қилиш чорасини маҳкумга беш йилдан ортиқ муддатга тайинланиши мумкин эмас эди. Агар сайлов ҳуқуқидан маҳрум этиш озодликдан маҳрум этишга қўшимча чора сифатида тайинланган

бўлса, унинг муддати жазони ўташнинг бутун даврига қўлланган. Маҳкум амнистия ёки афв этиш асосида муддатидан илгари озод қилинган тақдирда, сайлов ҳуқуқидан маҳрумлик муддати озодликдан маҳрум қилинган кундан бошлаб ҳисобланган [13].

Статистик рақамларга эътибор берадиган бўлсак, совет давлатида сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар сони йил сайин ошиб борган. 1926 йилда СССРда сайловчиларнинг 4,5% и, 1927 йилда 7,7% и (қишлоқ жойларда мос равишда 1,1 ва 3,3%) сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган [14. Б. 21]. Ш.Фицпатрик маълумотларига кўра, 1930 йилда СССР бўйича 4 миллиондан ортиқ киши сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган [15. Б. 295]. Сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар сонининг кўпайиши уларни янада синчковлик билан аниқланиши билан эмас, балки янги иқтисодий сиёсатнинг барбод бўлиши муносабати билан бошқарувда маъмурий-буйруқбозлик усулларига ўтилиши билан боғлиқ эди.

Сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи ҳар доим фуқароларнинг асосий сиёсий ҳуқуқларидан бири бўлиб, уларга давлат бошқарувида тўғридан-тўғри ва бевосита иштирок этиш имкониятини яратиб келган. Бироқ 1920–1930 йилларда совет давлатида сайлов-лар ҳукмрон ҳокимиятнинг мақсад ва манфаатларига тўла бўйсундирилди, сайловларга аввалдан партия органлари томонидан тасдиқланган, муқобили бўлмаган номзодларнинг рўйхати тақдим этилди [16. Б. 45–46]. Шу билан бирга сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш шунчаки расмиятчилик бўлмай, “маҳрумлар” жамиятда бир қатор ҳуқуқ ва ижтимоий имтиёзлардан фойдаланиш имкониятларини йўқотардилар. Сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар ва уларнинг оила аъзолари ўқув юртларига, партия ва комсомол аъзолигига қабул қилинмас эдилар, уларнинг ишга жойлашишлари ҳам қийин кечар эди. “Маҳрумлар”ни колхозлар олишмас, улар кооператив ва артеллар аъзолигига ҳам қабул қилинмас эдилар. Солиқ борасида эса уларга қатъий мажбуриятлар юкланган. 1928 йилда совет мамлакатида карточка тизими жорий этилгандан сўнг сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганларга озиқ-овқат карточкалари берилмади, улар озиқ-овқат маҳсулотларини тижорат нархларида сотиб олишга мажбур бўлганлар, улар пенсия ва нафақалар олишдан ҳам маҳрум этилганлар.

Сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар паспорт олишда ҳам камситишларга дуч келдилар. Ваҳоланки, ВКП(б) МК Сиёсий бюроси комиссияси томонидан белгиланган қоидаларда сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш паспорт беришни рад этиш учун асос бўлиши мумкинлиги аниқ кўрсатилмаган эди. Бироқ маҳаллий амалдорлар сайлов ҳуқуқидан маҳрум бўлганларга, уларнинг оила аъзоларига ва, умуман, “ижтимоий бегона” деб топилган ҳар қандай шахсга паспорт беришдан қатъий бош тортдилар [17. 145–146].

Фақат 1936 йилда СССРнинг Янги Конституциясига биноан мамлакатнинг барча вояга этган фуқаролари (ақли заифлар ва судланиб, сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар бундан мустасно) сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Сайлов ҳуқуқидан маҳрум этиш ижтимоий ва ҳуқуқий камситиш чораси сифатида совет давлатида 18 йил амалда бўлиб келди ва мустабид тузум сиёсатидаги жамиятни тубдан ўзгартиришга қаратилган энг муҳим чораларидан бирига айланди.

Умуман, сайлов ҳуқуқидан маҳрум этишнинг ҳуқуқий меъёр сифатидаги таҳлили ва унинг амалда қўлланилиши 1920–1930 йилларда совет давлати репрессив сиёсатининг умумий йўналиши ва ривожланиш тенденцияларини тушуниб етиш имконини беради. Қатағоннинг ушбу шакли ҳокимият ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг услубини ҳам аниқ тавсифлайди. Совет фуқаролари улардан нима кутилаётганини мустақил равишда тахмин қилишлари ва амалдаги режимни тўлиқ қўллаб-қувватлашларини намойиш қилиш йўлларини излашлари зарур эди. Бундай йўл тутмаган фуқаролар ўзўзидан “ижтимоий бегона” шахсга айланиб қолиши мумкин эди.

**Адабиётлар:**

1.*Федорова Н.А*. Лишенцы 1920-х годов: советское сословие отверженных // Журнал исследований социальной политики, 2007. – Т. 5. – № 4. – С. 483–496.

2. Декреты Советской власти. Том 2. 17 марта – 10 июля 1918 г. – Москва: Политиздат, 1959. – 698 с.

3. Собрание Законов СССР. 1927. – № 12. – 120 с.

4. Собрание узаконений и распоряжений Рабоче-крестьянского правительства РСФСР. 1926. – № 75. Отд. 1. – Москва: Народный комиссариат юстиции, 1926. – 880 с.

5. Ўзбекистон Миллий архиви (ЎзМА), Р.86-фонд, 1-рўйхат, 2218-иш.

6. ЎзМА. Р.837-фонд, 1-рўйхат, 161-иш.

7. ЎзМА. Р.90-фонд, 1-рўйхат, 378-иш.

8. Андижон вилоят давлат архиви, 189-фонд, 1-рўйхат, 128-иш.

9. ЎзМА. Р.86-фонд, 1-рўйхат, 5023-иш.

10. Фарғона вилоят давлат архиви, 324-фонд, 1-рўйхат, 404-иш.

11. ЎзМА. Р.86-фонд, 1-рўйхат, 5044-иш.

12. ЎзМА, Р.86-фонд, 1-рўйхат, 6165-иш.

13. Уголовный кодекс РСФСР. Часть. 3. / В редакции 1926 года. Издание официальное. – Москва, 1927. – С. 34.

14. Итоги выборов в Советы РСФСР в 1927 г. Вып. 1. – Москва: Центризбирком, 1927. – 120 с.

15. *Фицпатрик Ш*. Повседневный сталинизм. Социальная история советской России в 30-е годы: город / Пер. с англ. Л.Ю. Пантиной. – Москва: РОССПЭН, 2001. – 332 с.

16. *Ивницкий Н.А*. Репрессивная политика советской власти в деревне (1928–1933 гг.) – Москва: Институт российской истории РАН, 2000. – 350 с.

17. Крестьянские истории: Российская деревня 20-х годов в письмах и документах. / Отв.ред. С.В. Чешко. – Москва: РОССПЭН, 2001. – 232 с.

# DEPRIVATION OF VOTING RIGHTS IN RURAL POPULATION IN UZBEKISTAN IN 1925-1929

**D.R. Ahmedov[1]**

*Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies.* 2022. 1 (61). 43-51.

[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str., University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

**Keywords:** elections, electoral instructions, electoral commissions, land and water reform, entrepreneurs, "kulaks", hired labour, rental relations, clergy, deprivation of voting rights, "disenfranchised".

In 1925-1929, the procedure for holding elections in the Soviet state and the composition of persons deprived of the right to vote were regulated by special legislation, the requirements and restrictions on which varied depending on the policy changes of the country's leadership. In the context of the stabilization of the general situation in the country, on October 13, 1925, the Instruction of the Central Executive Committee of the USSR on elections to city and village councils and the convening of Soviet congresses was adopted. The guideline states that persons who uses hired labour in agriculture should not be deprived of the right to vote if this has not led to an increase in their non-labour earning activities.

The "Instruction on Elections to the Soviets" approved by the Central Executive Committee of the Uzbek SSR on December 16, 1925 is almost identical to the above-mentioned instructions adopted in the USSR, in which the list of those deprived of the right to vote is adapted to local conditions.

In the mid-1920s, the main source of national income of the Uzbek SSR was agricultural production. Out of 4,417,000 people in the country, 3,421,000 live in rural

areas, and their livelihood is agricultural production. Due to the scarcity of land on most farms, as well as the fact that the main crop of the republic was cotton, land rent and the use of hired labour were common here. The types and forms of hired labour available in agriculture during this period were so many and varied that hired labour existed in almost all spheres of agricultural production, as well as in all strata of the peasantry - the rich, the middle class and even the poor.

During the election campaign of 1926-1927, 145,790 people in the Uzbek SSR were deprived of the right to vote. Of those deprived, 67,934 lived in cities and 33,029 in rural areas. 10.4% of those deprived of the right to vote in rural areas are entrepreneurs, 11.9% are unemployed, 13.9% are traders, 23.8% are priests, 8.4% are former police officers, amirs and khan officials, 1 , 6% were mentally ill, 3.1% were convicted and 27.9% were from other categories.

The total number of people disenfranchised in the 1928-1929 election campaign was much lower than in the previous election campaign. The main reason for this was that in the process of land and water reform in Uzbekistan in 1925-1929, both in cities and villages, many people fell into the criteria of election guidelines, such as "people who rent land, livestock, means of production" and "people living on unearned income." peasant farms, urban landowners, merchant farms were abolished.

In 1936, according to the New Constitution of the USSR, all adult citizens of the country (except the mentally retarded and convicted and deprived of the right to vote) had the right to vote and stood for election. Deprivation of the right to vote as a measure of social and legal discrimination has been in force in the Soviet state for 18 years and has become one of the most important measures in the policy of the dictatorial regime aimed at radically changing society.

**References:**

1. Fedorova, N.A. (2007) Lishency 1920-h godov: sovetskoe soslovie otverzhennyh [Deprived people of the 1920s: the Soviet class of outcasts]. *Jurnal issledovanij social'noj politiki*. Vol. 5. No 4. Pp. 483-496.

2. Dekrety Sovetskoj vlasti (1959) [Decrees of the Soviet government]. Vol. 2. March 17 - July 10, 1918. Moscow: Politizdat.

3. Sobranie Zakonov SSSR (1927) [Collection of Laws of the USSR]. No.12.

4. Sobranie uzakonenij i rasporyazhenij Raboche-krest'yanskogo pravitel'stva RSFSR (1926) [Collection of legalizations and orders of the Workers' and Peasants' Government of the RSFSR]. No.75. Series 1. Moscow: Narodnyj komissariat yusticii,

5. O‘zbekiston Milliy Arxivi (O‘zMA) [National archive of Uzbekistan. (NA of Uz)]. Fund - 86. List-1, Folding Volume-2218.

6. NA of Uz. Fund - 837. List-1, Folding Volume-161.

7. NA of Uz. Fund - 90. List-1, Folding Volume-378.

8. Andijon viloyat davlat arxivi [State Archive of Andijan region]. Fund - 189. List-1, Folding Volume-128.

9. NA of Uz. Fund - 86. List-1, Folding Volume-5023.

10. Farg‘ona viloyat davlat arxivi [State archive of Ferghana region], Fund – 324. List-1, Folding Volume-404.

11. NA of Uz. Fund - 86. List-1, Folding Volume-5044.

12. NA of Uz. Fund – 86. List-1, Folding Volume-6165.

13. Ugolovnyj kodeks RSFSR (1927) [Criminal Code of the RSFSR]. Part 3. Moscow. P. 34.

14. Itogi vyborov v Sovety RSFSR v 1927 g. (1927) [Results of the elections to the Soviets of the RSFSR in 1927]. Release 1. Moscow: Sentrizbirkom.

15. Fitspatrik, Sh. (2001) Povsednevnyj stalinizm. Social'naya istoriya sovetskoj Rossii v 30-e gody: gorod [Everyday Stalinism. Social history of Soviet Russia in the 30s: the city]. Moscow: ROSSPEN.

16. Ivnickij, N.A. (2000) Repressivnaya politika sovetskoj vlasti v derevne (1928-1933 gg.) [The repressive policy of the Soviet government in the countryside (1928-1933)]. Moscow: Institut rossijskoj istorii RAN.

17. Cheshko, S.V. (ed.) (2001) Krest'yanskie istorii: Rossijskaya derevnya 20-h godov v pis'mah i dokumentah [Peasant stories: the Russian village of the 20s in letters and documents]. Moscow: ROSSPEN.

*Муаллиф ҳақида маълумот:*

**АҲМЕДОВ Дилшодбек Рустамбекович –** Андижон давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси таянч докторанти. E-mail: dilshodbekahmedov@mail.ru